



Ҳақиқий ҳузур ва ҳаловат — халқ учун чекилган заҳматда!

4-с.

Ўрганган одамга меҳнат, бу — ҳаётнинг фалсафаси!

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
3 ДЕКАБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№97
(2319)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



..... “КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!”

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ КОНСТИТУЦИЯДАГИ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ислохотлар амалга оширилди. Бунини янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ҳуқуқий кафолатларнинг кенгайгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маҳалла энди шунчаки манзил ёки ҳудуд эмас, балки одамларнинг дарди эшитиладиган, муаммолари ҳал қилинадиган, жамиятда ижтимоий адолат қарор топадиган халқчил тузилма сифатида шаклланимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 ноябрдаги фармойишида Асосий қонунимиз қабул қилинганининг ўттиз уч йиллиги “Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”, деган бош ғояни ўзида мужжасам этган маънавий-маърифий ҳамда бошқа тадбирларни ўтказиш орқали нишонланиши белгиланди. Назаримизда, ушбу

ғоя ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сураётган инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шундан келиб чиқиб, **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ҳам маҳалла миқёсида инсон қадрини жой-жойига қўйишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла фуқароларга ташаббус кўрсатиш, тақлиф-тавсияларни бериш ва уларни амалга ошириш имконини яратмоқда. Бу эса фуқаролик жамиятининг энг қўйи поғонасида эркинлик мустаҳкамланмоқда деганидир.

Давоми 2-саҳифада.

..... БИР ЎЛКАКИ...

Юриш-туриши, турмуши покиза халқнинг фикри ҳам, нияти ҳам ёруғ бўлади

Бугун республикаимиздаги қайси маҳаллага борманг, албатта, ободлик, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг устидан чиқасиз. Айниқса, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатлари ўтқазиш, бу жараёнда нурунийлар тажрибасидан фойдаланиш анъана тусини олди.

Ўқтамжон ОХУНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Сенати аъзоси,
“Нуруний”
жамғармаси
Анджон
вилояти
бўлими раиси.



Дано халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган пурмаъно ҳикмат бор. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев топириғига мувофиқ, жорий йилнинг куз мавсумида 125 миллион тул, 2026 йилнинг баҳор мавсумида 75 миллион тул кўчат экиш вазифаси белгиланган. Маҳаллаларда 13 миллион 400 мингдан ортиқ ниҳоллар ерга қадалади. Кузги мавсумдаги кўчат экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 8 ноябрдан бошлаб “Долзарб бир ойлик” эълон қилинди.

Бу жараёнда юртимиздаги 3 миллиондан ортиқ нурунийлар маҳаллаларда “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш, кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда янада фаол ва ташаббускор бўлаётир. Уларнинг шахсий намунаси, панду насихати, тавсия ва кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этяпти. Дарахт экиш ва уни парваришlash мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилинмоқда.

КЕКСАЛАРНИНГ ҲАР БИРИ 1 ТУПДАН КЎЧАТ ЭКСА, 3 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ЯНГИ ДАРАХТ ПАЙДО БЎЛАДИ. ЁКИ ҲАР БИРИ ЎЗ ЁНИГА 10 НАФАР ЁШНИ ЖАЛБ ҚИЛСА, БУ РАҚАМ 10 БАРОБАРГА ОШАДИ.

Давоми 3-саҳифада.

БУГУНГИ
СОНДА:

“Андархон”да шамолдан пул ишлашади...



6-с.



Ота ва фарзанд ўртасида қарздорлик бўладими

8-с.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgusi” журнаliga 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ! МАҲАЛЛАНИ “Mahalla”СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89,
71 233-10-92



“Маҳалла” — дунё узра таржимасиз янграган, меҳр билан қалблардан жой олган маскан

БМТ атамалар лугати яна бир миллий сўз — “маҳалла” билан бойинди

Маҳалла миқёсида шаклланиб турган тажрибалар кўпчилик хорижийлик экспертларни маҳалла тарихини ўрганиш, унинг бугунги ислохотлар жараёнларидаги иштирокини баҳолаш, бевосита Ўзбекистонга келиб, маҳалла муҳитида яшаб кўриб, таҳлил қилишга чорлаяпти.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, айти йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида АҚШ, Корея, Грузия, Германия, Латвия, Қозғистон, Қирғизистон давлатларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятини ўрганиш ва улар билан икки томонлама алоқа ўрнатишга доир музокаралар олиб борилди.

Биргина АҚШ сафари доирасида БМТ қароргоҳида “Маҳалла институти барқарор ривожланишга эришиш



йўлида аҳоли билан давлат ўртасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусида юқори даражадаги конференция таъкил этилди. Мазкур анжуман мамлакатимиз тарихига дунёнинг энг нуфузли минбарида маҳалла тизимига бағишлаб ўтказилган ilk халқаро тадбир сифатида муҳрланади.

Давоми 3-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҲУЗУРИДА экологик барқарорлик, қиш мавсумига тайёргарлик ва ёнғин хавфсизлиги масалалари муҳокама қилинди.



Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.



Президентимизга ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш юзасидан тақдимот қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДЛАТ ГАРОВИ!”

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ

Конституциядаги кадриятларнинг амалий ифодасига айланмоқда



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Маҳаллага оид конституциявий ўзгаришлар 2023 йилгача амалда бўлган Конституцияда маҳалла билан боғлиқ битта, яъни 105-модда бор эди, холос. Унда ҳам маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловига оид меъёр назарда тутилганди.

Аввало, шунга эътибор қаратиш керакки, эски Конституцияда маҳаллаларнинг асосий вазифалари умумий мазмунда қайд этилган бўлиб, уларнинг ваколатлари, давлат билан муносабати, ижтимоий-сиёсий аҳамияти тўлиқ даражада очиб берилмаган. Яъни маҳалла “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” сифатида эътироф этилган бўлса-да, унинг давлат бошқарувидаги ўрни қатъий белгиланмаган эди.

Эсингизда бўлса, 2022 йил 22 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтган, учинчи устувор йўналиш сифатида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласига оид тақлиф ва мулоҳазаларини билдирган эди.

Жумладан, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида Асосий қонунимизда маҳалланинг мақоми ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилашни тақлиф этган ҳолда, бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслигини, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатларини алоҳида назарда тутиш, бунинг учун эса давлат органларининг маҳаллалар фаолиятига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бўйича мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Конституциянинг 20-, 34-, 40-, 69- ва 127-моддаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ меъёрлар ўз аксини топди.

Хусусан, 20-моддада инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши, 34-моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шартлиги, 40-моддада ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги, 69-моддада фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамланди.

127-модда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан бевосита боғлиқлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда батафсил тўхталиш лозим. Энг муҳим жиҳати шундаки, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидаги тақлиф ва мулоҳазалари айнан ушбу моддада ўз аксини топган.

Жумладан, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишининг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақлилиги, бундан ташқари, давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши аниқ-тиниқ белгилаб қўйилди.

Айнан Конституциямиздаги мана шундай янги тамойиллар, халқаро норматив ҳужжатлар ва жаҳон амалиётини ўрганиш натижасида келиб чиққан тақлифлар асосида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқдамиз. Лойиҳа маҳалла фаолиятини замонавий талаблар асосида ислоҳ қилиш, унинг ваколати ва жавобгарлигини аниқ белгилашга қаратилган.

Қонун лойиҳасида маҳаллаларни тузиш мезонларини янгича тартибга солиш, ҳудудларнинг тарихий хусусиятлари, аҳоли зичлиги ва жойлашувидан келиб чиқиб, маҳаллаларни ташкил этишнинг аниқ ва ошқор мезонларини белгилаш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, “маҳалла еттилиги”нинг вазифа ва жавобгарлигини тубдан қайта қўриб чиқиш, уларнинг ўзаро ҳамкорлик тизими, коллегиял масъулияти ҳамда ҳисобдорлигини аниқ белгилаш, “маҳалла еттилиги” таркибига устувор равишда маҳаллада яшовчи кадрларни тайинлаш масаласи киритилган.

Маҳалла раиси “маҳалла еттилиги”нинг фаолиятини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва натижадорликка эришиш учун кенгроқ ваколатларга эга бўлади.

Йиғин раиси фаолияти юзасидан ишончсизлик билдириш тизими такомиллаштирилади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларига маҳалла раисларига нисбатан ишончсизлик билдириш ва масалани қўриб чиқиш ваколати берилди. Бу жамоатчилик назоратини янги босқичга олиб чиқади.

“Маҳалла бюджети” кучайтирилади. Унга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича оширилган коэффциентлар қўллаш юзасидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларига тақлиф киритиш ваколати берилди. Маҳалла раиси сўровларини рад этиш ёки қўриб чиқмаслик учун жавобгарлик жорий этилади. Бу маҳалла раисининг мақоми ва таъсирчанлигини оширади, ҳамкор идораларнинг масъулиятини кучайтиради.

Умуман олганда, янги қонун лойиҳаси ушбу жараёни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаб, маҳалла институтини замон талабларига мос, жавобгар, шаффоф ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган тизим сифатида шакллантириш имкониятини беради.

Масъулият, жавобгарлик ва салоҳият ҳисси

Янги таҳрирдаги Конституцияда назарда тутилган юқоридаги меъёрлар одамларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нима беради, деган савол туғилиши табиий.

Бу орқали, айниқса, маҳаллани аҳолининг муаммоларини тезкор ҳал қилувчи, ошқора ва ҳисобдор тизимга, фуқаролар ҳуқуқлари устувор бўлган институтга, давлат ва жамият ўртаси-



даги “энг яқин кўприк”ка айлантириш, давлат ва жамият ҳаётида одамларнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсад қилингани аҳамиятлидир. Келинг, шу ўринда айрим таҳлилларга мурожаат қилсак.

Биринчидан, маҳалла – давлат бошқарувида мустақил институт сифатида эътироф этилди. Маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми, давлатдан мустақиллиги, аҳоли манфаатларини ифода этиши қатъий тарзда мустаҳкамланди. Бу эса маҳалла фаолиятига янги босқичда масъулият, жавобгарлик ва салоҳият юклади.

Иккинчидан, давлат органларининг маҳаллага аралашувига чек қўйилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда маҳалланинг мустақиллиги қонуан ҳимоя қилинди. Бу – хусусий ташаббусларни рағбатлантириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммоларини жойида ҳал қилиш имконини кенгайтирди.

Учинчидан, маҳалла зиммасига ижтимоий адолатни таъминлаш вазифаси юкланди. Бугун маҳалла фақат аҳоли рўйхатини юритувчи эмас, балки камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар билан ишлаш, аёллар бандлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий вазифаларни бажармоқда. Мазкур ўзгаришлар маҳалланинг ҳуқуқий мақомига кўтариб, уни ҳақиқий жамият асосига айлантирди. Буни айрим факт ва мисоллар ёрдамида тушунтирсак.

Масалан, “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилгани нафақат бошқарувда янги иш услубини яратди, балки давлат ва фуқаро муносабатларини тубдан яқинлаштирди. Бу тизим амалда ҳар бир инсоннинг муаммоси “тепа”да эмас, балки халқнинг ўзи яшайдиган муҳитда, маҳаллада ҳал этилиши мумкинлигини исботлади. Аниқ ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли эҳтиёжларининг 88 фоизга яқини айнан шу тизим орқали маҳалланинг ўзида ҳал қилинаётгани – маҳлакатда “инсон кадри” тамойили қанчалик ҳаётга татбиқ этилаётганининг ёрқин далилидир.

Жорий йил давомида аҳолининг 14 059 та муаммосига ечим топилгани – маҳалла институтининг янги сиёсий макомга эга бўлаётганини, маҳаллий бошқарув тизимида фуқаро манфаати устувор қўйилаётганини кўрсатади. Хусусан, ҳомиёлар иштирокида 726 нафар фуқаронинг уй-жойи таъмирлангани ёки қайта қурилгани ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликнинг, 3 239 нафар ногиронлиги бўлган шахсга аравача ва қўлтиқтаёқ олиб берилгани эса давлат томонидан ҳимояга муҳтож қатламларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий натижасидир. Шунингдек, турмуш шароити оғир бўлган 3 814 та оилага моддий ёрдам ажратилгани, 1 223 нафар ёшнинг бепул тўғарақларда ўқитилгани – маҳалла наинки ижтимоий ҳимоя, балки инсоннинг ривожланиш имкониятларини кенгайтираётган муҳим платформага айланаётганини аңглади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган янги шароит ва имкониятлар маҳалланинг фақат ижтимоий институт эмас, балки иқтисодий ривожланиш “драйвер”лигини ҳам амалда исботламоқда. 7 мингдан

ортиқ маҳалланинг мева-сабзавот етиштириш, гулчилик, асаларичилик, тикувчилик, мебелсозлик, савдо, сервис каби 15 та йўналишга ихтисослашгани – маҳалла замиридаги улкан иқтисодий салоҳиятни уйғотиб, ҳар бир ҳудудни ўз имкониятларига таянган ҳолда ривожлантириш сиёсатини белгиламоқда. Айниқса, 3 326 та маҳалладаги хонадонларнинг камида 50 фоизи ушбу йўналишлар билан қамраб олингани натижасида 1,5 миллион оиланинг даромади бўлгани – маҳалла барқарор иқтисодий муҳитни яратга олишини кўрсатмоқда.

Бу жараёнинг яна бир муҳим қирраси – томорқа ҳўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни сезиларли даражада ошаётганидадир. Аҳоли томорқаларида етиштирилган мева-сабзавотларнинг экспорт ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётгани – фуқароларнинг ташаббуси давлат сиёсатининг узвий қисмини ташкил этаётганини тасдиқлайди. Жорий йилда экспортни 500 млн. долларга етказиш режалаштирилгани, бу кўрсаткич 9 ойлик якунига кўра, 448,2 млн. долларни ташкил этгани – маҳалла бутун мамлакат иқтисодиётига қандай ҳисса қўлиши мумкинлигини аниқ-равшан кўрсатади.

Экспорт географиясининг Россия Федерацияси, Қозоғистон, Хитой, Қирғиз Республикаси, Ироқ, Беларусь Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Латвия ва бошқа давлатларгача кенгайгани эса маҳалланинг қўллаб-қувватлови билан кичик ҳўжаликлар катта иқтисодий салоҳиятга айланаётгани, мамлакатнинг ташқи савдодаги мавқеи мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, ушбу рақамлар маҳалла мамлакатнинг стратегик ислохотларида муҳим ўринда турганини намоён этади. Бошқача айтганда, энди маҳалла иқтисодий юқалиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортдоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам давлат ва фуқаролар манфаатлари бир нуқтада туташадиган бош бўгин вазифасини ўтамоқда.


Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституцияда маҳалла институтига берилган ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар амалда ўз самарасини бермоқда. Аҳоли муаммолари, жумладан, уй-жой, моддий ёрдам, таълим ва бандлик масалалари жойида ҳал этилаётгани – Конституцияда белгиланган инсон кадри, адолат ва тенглик тамойиллари реал ҳаётга чуқур сингиб бораётганининг ёрқин далилидир. Энг муҳими, бу ислохотлар маҳалланинг ҳуқуқий мақомини ошириш билан чекланиб қолмади, балки фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириб, ҳар бир инсоннинг овози ва мурожаати ҳуқуқий қийматга эга бўлган жамият пойдеворини яратмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, Янги Ўзбекистонда маҳалла институти Конституцияда белгиланган барча тамойилларни – инсон кадри, эркинлик, тенглик ва адолатни ҳаётга татбиқ этувчи энг ишончли, энг халқчил ва энг таъсирчан тизимга айланмоқда. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошлади.**





Президент фармойишига кўра, 2026 йил 1 январдан “БЮРОКРАТИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ – 2030” ДАСТУРИ ишга туширилади.



Янги қонун билан Ўзбекистон ХАЛҚАРО МЕТРИК КОНВЕНЦИЯГА қўшилди.



Олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларини аккредитациядан ўтказишда БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА ИНДИКАТОРЛАР тасдиқланди.

БИР ЎЛКАКИ...

Юриш-туриши, турмуши покиза халқнинг фикри ҳам, нияти ҳам ёруғ бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Аслида, кўчат экиш, ободликни таъминлаш — халқимизга отамерос амал. Ёшлик даврларини эсланг, уйларимиз пастак, бироқ фойзли — томлари, деворлари сувалган, оқланган бўларди. Кечки пайт ота-онамиз ишдан келишига ҳамма ёққа сув сеппиб, супуриб кўярдик. У пайтда тамаддун бугунгидек бўлмаса-да, сувни Аллоҳ берган неъмат, деб билганмиз. Ариққа кулча оқизиб еб, бирортамиз касал бўлмасдик. Чунки ариқлар ҳам топ-тоза эди-да.

Ариқ бўйлари ҳамиша гул билан обод эди. Бизникида атиргул экиларди. Ариқни қазиб тозалаш анъанаси ҳам миллатимизнинг қонига сингган. Маҳалла эркаклари билан умумий фойдаланишдаги катта ариқлар тозаланарди. Дадам билан ҳар баҳор уйимиз ичидаги ариқни қазиб тозалардик. Хайвон ҳеч қачон ариқ бўйига боғланмаган. Молхонани ҳар куни икки марта тозалаб, супурилган жойига тупроқ сепардик. Энди билсам, тупроқ

сепилган жойда пашша кўп айланмас экан. Мағзава ҳам тўғри келган ерга эмас, ҳовлининг бир бурчагида қазилган ўрага тўкиларди.

Дарахтларга ўзгача меҳр билан қарардик. Зарурат сабаб дарахт кесишга тўғри келса, ўрнига дарҳол иккитасини экиб кўярдик. Бу билан яшилликнинг боқийлиги таъминланган экан. Борган сари ота-боболаримизнинг ақл-зақосига қойил қоляпман. Биз кўрган катталарнинг ҳаммаси экофаол эди. Улар туфайли ҳар бир маҳалла обод, тоза бўлган. **Юриш-туриши, ейиши покиза халқнинг фикри ҳам, нияти ҳам ёруғ бўлади.**

АЙТИНГЧИ, ҲАҚИҚИЙ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЭМАСМИ БУ? БАЛКИ ШУНИНГ УЧУН ҲАМ У ПАЙТЛАРДА КАСАЛЛИК КАМ БЎЛГАНДИР!?

Яна бир нарсани англадим, ота-оналаримиз тонгда мактабга, ишга кетишимиздан олдин бежиз бизни бирор иш қилишга ўргатмаган экан. Бу бора-бора одатга айланади. Эрталабки ҳаракат эса кун бўйи тетик юришимизга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳозир ҳам уйқудан тургач, бир стакан тоза сув ичиб, бир соат пиёда юраман. Кечки овқатдан сўнг пиёда юриш кўрсат-



кичимни 10 минг қадамга етказмагунча ухламайман. Бу ҳар куни беш, беш ярим километр яёв юриш дегани. Президентимиз биз, нурунийларга “Яёв юришни сизлар тарғиб қилинлар”, дегани жуда яхши бўлди-да. Тарғиботни аввал ўзимда синаб

кўрдим. Пиёда юрган одамнинг кайфияти яхши бўлади. Бошқа спорт турларидагидек кучли толиқиш сезмайди.

Тозаликни, озодаликни ўғил-қизларимизга болаликдан синдирайлик. Ўқувчилик давримизда бир ҳафтада бир

марта синфдош шерикларимиз билан синфхонани тозалаб кетардик. 4-синфдан бошлаб шунга одатланганмиз. Эгат олишни ҳам мактабда ўргатишган. Чунки тажриба майдонимиз бўларди. У ерда гул ўстирардик. **Ҳозирги ёшларга ҳам тўғри тушунтира олсак, мактабни тозалаш, дарахт экиш тадбирларини мажбурий, деб қабул қилмайди.** Чунки жуда кўп ёшлар билан учрашаман. Юқоридаги хотираларимни айтиб берганимда, аксариятининг юз-кўзида ўзгариш сезаман. Дикқат билан эшитаётганидан хурсанд бўламан. Фақат, айтганимдек, тўғри тушунтиришимиз керак. Зеро, ҳозир мактабларда алоҳида тарбия дарси ҳам ўтиляпти. Вақт ҳам, имкон ҳам бор...

Биз, Андижон нурунийлари маҳаллаларда ободликни таъминлаш, дарахт ўтқазиш, оби-ҳаётнинг ҳар томчисини тежаш, азалий қадриятларни тиклаш борасида ўзига хос тарғиботни аллақачон бошлаганмиз. Учрашуларда, мулоқотларда йигит-қизларга бу борада тўғри тушунча беришга интиляпмиз, уларнинг дахлдорлик туйғусини оширяпмиз. Зотан, болаларимизга экология, тозаликнинг асл моҳиятини аңглата билишимиз шарт. Шундагина улар табиатни, ўз маҳалласи, қўчаси ва хонадонини озода тутиш нақадар зарурлигини ҳис қилади.

УЮШМА КЎМАГИДА

“МАҲАЛЛА” - ДУНЁ УЗРА ТАРЖИМАСИЗ ЯНГРАГАН, МЕҲР БИЛАН ҚАЛБЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН МАСКАН



Аюбхон ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати бўлими бошлиғи.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Энг муҳими, тарихимизда биринчи марта БМТ минбарида “маҳалла” номи худди шу шаклда, ўзбекча талқинда янгради. Таржимасиз, ўз номи билан аталган “маҳалла” сўзи конференция иштирокчилари қалбидан жой олди. Қайсидир маънода БМТ атамалар лугати яна бир миллий сўз — “маҳалла” билан бойиди.

Уюшма қатор халқро ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, **Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлиги (ТКА)-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси** билан чекка ва чегара ҳудудлардаги маҳаллаларни замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш, Туркияда амалий семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

Жанубий Кореянинг **Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)** билан манфаатли ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди. Маҳаллаларни бошқариш тизимидаги ёш кадрларнинг салоҳиятини ошириш, хусусан, 40 ёшгача бўлган маҳалла раислари учун Корея тажрибаси асосида ўқув ва малака ошириш дастурини ташкил этиш мақсадида махсус грант лойиҳаси тақлиф этилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида юртимиздаги чет эл давлатлари элчихоналари, ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Хусусан, ЮНЕСКО, БМТ Тараққиёт Дастури, USAID, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди.

Халқро ташкилотлар вакиллари **Тайлоқ туманидаги “Муборак” маҳалласига** ташриф буюрди. 157 та кишлоқ маҳаллаларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди. **Шаҳрисабзда** БМТнинг 10 дан ортиқ агентликлари иштирокида “Кишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида учрашув ўтказилди.

Умуман олганда, **халқро доирасидаги учрашувлар, ташрифлар, мулоқотлар натижаси кўп қуттирмайди: маҳалла институти ва бу ерда тупланган миллий тажриба бошқа давлатларда ҳам жорий этилади, ундаги муҳитни ўз танасида ҳис қилишни истасан сайёҳлар софи кенгайди.** Маҳалланинг халқро миқёсдаги нуфузи ошади.

Қолаверса, эришилган келишувлар самарасида **маҳалла тизими ходимларининг малакаси оширилади, ўзаро мулоқотлар йўлга қўйилади.** Энг муҳими, маҳалла нафақат Ўзбекистонда, балки халқро даражада ўз ўрнига эга бўлади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАДБИР ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНСА, ИМКОНСИЗ ЮМУШ ҚОЛМАЙДИ

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш қийин ёки имконсиз юмуш эмас. Бунинг энг самарали йўли — фуқароларни боқиманда кайфиятдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш. Шу мезон асосида тумандаги 71 та маҳаллада манзилли иш ташкил этганмиз.



ТАЖРИБА

Даромад тошмоқ учун ерга меҳр берсак кифоя

Маҳалламиз олимлари, миришкор деҳқон ва чорвадорлари билан машҳур. Муқимий домла ўзининг саёхатномасида Нурсуҳнинг тотли мевалари ҳақида ўзгача завқ билан ёзган эди. Бугун ҳам ушбу тарихий гўшага ташриф буюрган киши ана шу битикларга ўз кўзи билан гувоҳ бўлади. Иқлимимиз деҳқончилик учун жуда қулай. Шу боис “ўшиш нуқта”миз — деҳқончилик.

Хусанбой ҚЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон туманидаги “Нурсуҳ” маҳалласи раиси.

Архақиқат, қафтдек томорқадан самарали фойдаланиб, муносиб даромадли бўлиш учун кишидан кўп нарс талаб этилмайди, ерга чин меҳр ва бироз кунт бўлса кифоя. 3 минг 800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада бугунги кунда 90 гектар томорқа майдони мавжуд. 55 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган.

Ҳамидулло Расулов, Абдураззоқ Ғозиев, Мирзохид Мамажонов, Тоҳира Бозорова, Рустамжон Раҳмонов, Маҳфузахон Йўлдошева, Матлубахон Вохидова ва Абдушукур



Солиев каби томорқа ер эгаларининг омилкорлиги кўпчиликка ўрناк. Улар дарахт ва гул кўчатларини, помидор, бодринг, картошка каби турли маҳсулотларни етиштириб, ўзи ва қўшниларини банд қилишни ҳам, яхши даромад олишни ҳам уддалаяпти.

Меҳнат фаҳрийси, селекционер Рустам Мамадалиевнинг хонадонини боғни эслатади. Анвойи гуллар, ноёб манзарали дарахтлар ҳайратингизини оширади. Биолог олим писта кўчатини пайвандлаб кўпайтириш билан ҳам шуғулланади. Бутун маҳалла унга ҳавас қилиб, миришкорга айланган.

Тажрибадан чиқарган хулоса — одамларнинг даромад манбаи бўлса, камбағал оилалар қолмайди. Шунинг учун ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, боқимандалик кайфиятини йўқотиш, талабгорларни тадбиркорлик соҳасига йўналтириш, шахсий томорқа майдонларидан самарали фойдаланиш ишларини янги босқичга олиб чиқишга интиляпмиз.

Эркинжон НИШОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи.

2025 йил давомида жами 19 747 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Минг нафардан ортиқ ёшларга субсидия асосида асбоб-ускуна ҳамда ер майдони берилди. “Обод кишлоқ” дастурига кўра, 11 та маҳалла замонавий кўринишга келган бўлса, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида “Сулаймон” ва “Шакаробод” маҳалласида бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Жумладан, “Сулаймон” маҳалласининг 10 км. ички йўли асфальтланиб, маҳалла гузари қурилди. Барча хонадонларнинг олди кўриниши таъмирланди. Ичимлик сув тармоғи тортилди. Иккита янги трансформатор ўрнатилиб, 270 та симёғоч бетон устунга алмаштирилди. Учта камбағал оилага янги уй қуриб берилди. 13 та кўчанинг 1,5 км. қисми шағаллаштирилди. 650 метр пидедалар йўлага барпо этилди.

Инфратузилма яхшилланиши баробарида аҳоли яшаш тарзи ҳам ўзгармоқда. Бугун маҳаллада бирорта бекор юрган, ишсиз фуқарони учратмайсиз. Худуд тадбиркорлик ўноғига айланиб бормоқда.

Баркамол Кимсанов ташаббуси билан ташкил этилган тикувчилик корхонасида 50 тадан ортиқ иш ўрни яратилган. Тадбиркор дастлаб 6 дона тикув машинаси билан иш бошлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 40 донадан ошди.

Ҳар бир маҳалла ўзининг “драйвер”ини талаб олган. Мисол учун, “Оқтепа” маҳалласидаги Чармак кўчасида яшовчи аёллар қатлама пишириб, сотиш билан шуғулланади. Кўчага кира экансиз, деярли ҳар бир хонадондан қатламанинг ёқимли ҳиди ўфуради. Ўзини ҳунар билан банд қилаётган кишлоқ аёллари тайёрлаётган қатламалар нафақат Фарғона, балки қўшни давлатларда ҳам харидордир. Ҳар бир хонадонда кунига 100 тадан ортиқ қатлама тайёрланиб, буюртма асосида республиканинг барча вилоятлари, қолаверса, қўшни давлатларга етказиб берилмоқда.

“Фаровон келажак” маҳалласида томорқачилик ривожланган. Бу йўналишда етакчи тадбиркорлар шаклланган. Улардан бири — Ваҳобжон Мирзаев. У ўзининг 8 сотихли томорқасида 5 та иссиқхона қурган. Йилнинг тўрт фаслида ҳам бу ерда иш қайнайдми. Йилига 4 мартагача ҳосил олинади. Тадбиркор бирни мингга, мингни туманга айлантириб, қишу ёз тин олмайди. Ўзи ва оила аъзоларидан ташқари, маҳалладаги 10 нафар ишсизларни ҳам мавсумий юмушларга жалб этмоқда. Йиллик даромад — 300 миллион сўмдан ортимоқда.

Камбағалликни қисқартириш, ишсизликнинг олдини олишда, аввало, ижтимоий ёрдам аниқ манзилга етиб бориши муҳим. Бу — “маҳалла еттилиги” ходимларидан ишга тўғри ёндашуви талаб этади. Урганишларда ҳақиқатда аҳволи оғир, озгина кўмак берилса, ўз йўлини топиб кетадиган фуқароларни учратамиз. Аммо даромадини яшириб, ўзини эҳтиёжманддек кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас. Улар билан тушунтириш ишлари олиб бориб, реестрдан чиқаришга эришдик.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



ҲУКУМАТ
ҚАРОРИ БИЛАН
“Электр энергиясини
ҳисобга олиш
тартиби
тўғрисида”ги
низом
тасдиқланди.



СТАЦИОНАР
ТИББИЁТ
МУАССАСАЛАРИДАГИ
беморларни тиббий
кўрсатмага мувофиқ
бошқа тиббийёт
муассасасига ўтказиш
тартиби белгиланди.



Транспорт
воситаларига “яшил”,
“сарик” ёки “қизил” рангли
экологик стикерлар
бериш амалиёти
йўлга
қўйилади.

АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ
БАЛИҚЧИ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳақиқий ҳузур ва ҳаловат — халқ учун чекилган заҳматда!

ТАЖРИБА

ЛИМОНЧИЛИК: ЮМУШИ ЗАВҚЛИ, ДАРОМАДИ ТОТЛИ

Тоҳиржон Аҳмаджонов лимон етиштириш бўйича 20 йиллик тажрибага эга. Соҳанинг ипидан игнаси-гача пухта билади. Шу кунга қадар бир нечта ёшга ўз билим ва малакасини ўргатиб келяпти. 2 гектарда барпо этилган иссиқхонасига экилган кўчатлардан йилига 200 минг АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўради. Маҳалламизда унга ҳавас қиладиганлар жуда кўп.

Жаҳонгир ШАМСИДДИНОВ,
Балиқчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласи раиси.

Бундан тўрт йил муқаддам ҳудудимиздаги 40 гектар майдон айни лимон етиштиришга иштиёқманд бўлган кишилар учун узоқ йиллик ижарага берилган эди. Мана, орадан шунча вақт ўтиб, экилган ниҳоллар дарахтга айланди. Деҳқонларимизнинг қилаётган меҳнати муносиб баҳоланиб, маҳсулотни Европа давлатларига экспорт қилиш учун мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Шунга кўра, йилига 300 тоннагача сараланган мевалар чет элга сотиляпти.

Лимон етиштиришнинг ҳам ўзига яраша сир-синоатлари бор. Айтايлик, кўчатлар томчилатиб суғорилганда, маҳсулдорлик янада ортади. Қолаверса, устидан сув пуркаб туришнинг афзалликлари талайгина. Бўйи уч метргача ўсган бир туپ дарахт 200 килограммгача мева бериши мумкин. Термос муҳитида барпо этилган иссиқхоналар ҳароратини доим мўътадил сақлаш мақсадга мувофиқ. Органик ва менерал ўғитлар ўз вақтида берилиши ҳосилнинг йирик ва сувли бўлиб пишиши учун жуда муҳим. Янги ерга қадалган ниҳол уч йилда тўлиқ ҳосилга киради.



Шу кунда миришкорларимиз учун қутилган палла бошланди. Ҳамма йиғим-терим билан банд. Бу вақтда мавсумий ишчилар учун ҳам даромад топиш имконияти ортади.

Тиниб-тинчимаган одамларимиз иссиқхонадаги лимон кўчатларининг тагида помидор, бодринг ва исмалоқ етишти-ради. Тўқсонбости экин сифатида эса саримсоқпйёз, шивит ва бошқа кўчатлар яхши танлов ҳисобланади.

Маҳалламизда ишсиз ёшларни шу соҳага йўналтириш ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Бир мавсум давомида улар айни йўналишда тажриба орттириб, мустақил фаолият бошлашяпти.

Жорий йилда бошланган хайрли юмушларимизни келгуси йилда ҳам давом эттиришни ният қилганмиз. Хусусан, 8,4 фоиздан 2,1 фоизга тушган камбағалликни тўлиқ бартараф этмоқчимиз. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган фуқаролар учун барча шароитларни яратиб беришни ният қилганмиз. Қолаверса, касаначилик йўналишини ҳам ривожлантирмоқчимиз. Ўйлайманки, бу вазибаларни тўла адо этиш билан халқ фаровонлиги янада ортади.

Сўнгги кунларда мамлакатимизда кузатилаётган ҳаво сифатининг кескин ёмонлашуви муносабати билан туманимизда ҳам амалий чора-тадбирлар белгиланган тартибда олиб борилмоқда. Хусусан, инверсия жараёни ва ёғингарчилик миқдорининг камлиги туфайли ҳавода майда дисперс заррачалар тўпланишини камайтириш мақсадида асосий йўллар, ички кўчалар, пиёдалар йўлаклари ҳамда дарахтлар сув пуркаш орқали ювилиб, чангдан тозаланмоқда.



Аъзамжон МЎМИНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Балиқчи тумани бўлими бошлиғи.

Ушбу ишларни махсус техника ва хизмат ходимлари кеча-кундуз давомида тизимли равишда олиб бормоқда. Тадбирларнинг асосий мақсади — ҳаводаги зарарли моддалар миқдорини

қисқа фурсатда камайтириш, аҳоли учун қулай ва соғлом муҳит яратишдир.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида ҳудудлар инфратузилмасига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, “Сирмоқ” ва “Ўлмас” маҳаллаларида 3,9 км. узунликдаги ички йўлга шағал ётқизилди. Мазкур амалий ишлар кундалик ҳаракатланишни енгил-

лаштириб, қулайликларни янада оширишга хизмат қилмоқда.

“Зулфиқор” маҳалласида жорий йил кичик стадион барпо этиш бўйича тақлиф берилган эди. Бунинг ижросини таъминлаш мақсадида қурилиш учун алоҳида ер майдони ажратилиб, ишлар белгиланган тартибда олиб борилди. Қисқа вақт ичида замонавий талабларга жавоб берадиган мини стадион тайёр бўлди ва ёшлар ихтиёрига топширилди.

“Сарновул” ҳудудида са-ноатга ихтисослашган, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган янги саноат маркази ташкил этилмоқда. Салоҳиятли тадбиркорлар учун 10 гектардан зиёд ер майдони ажратилган бўлиб, ҳудудда зарур инфратузилмаларни яратиш жадал амалга оширилмоқда.

Мазкур саноат марказида дастлабки босқичда бир қанча йўналишларда ишлаб чиқариш лойиҳаларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Масалан, фармацевтика маҳсулотлари, 25 турдан зиёд салқин ичимликлар, мато тўқиш ва бўйаш, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда замонавий иситиш қозонлари тайёрлаш мақсад қилинган.

Куз-киш мавсумига тайёргарлик доирасида инфратузилмани мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллаларда зарур шароитларни яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, “Яккатол” маҳалласида мазкур тайёргарлик ишлари юқори суръатларда олиб борилмоқда. Маҳаллада кенг кўламда асфальтлаш ишлари ташкил этилган бўлиб, аҳоли учун ноқулайлик туғдириб келган лойли кўчалар қайта таъмирланмоқда. Олиб борилаётган ишлар натижасида кўчалар кенг ва йўллар раvon кўри-ниш касб этмоқда.

МАНЗАРА

“Ишнинг кўзини биладиган” одамларнинг борлиги яхши

Маҳалла тизими-да ишлаш осон эмас. У кишидан матонат, сабр ҳамда тинимсиз ҳаракатни талаб қилади. Бундан ташқари, инсонларга ёрдам беришни ният қилган ходим мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўқиб, ўрганиши зарур. Ҳудудимизда шу тамойилга асосланиб, аҳоли турмуш шароитини яхшилашни ният қилганмиз.

Ҳуснида МАДАТОВА,
Балиқчи туманидаги “Яккатол” маҳалласи раиси.

Айни вақтда маҳалламизда 2 884 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар деҳқончилик ва чорвачилик йўналишларида меҳнат қиляпти. Охириги вақтда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдираётганлар ҳам анчагина. Биргина жорий йилнинг ўзида 60 кишига имтиёзли равишда кредит ажратилди. Жумладан, чеварларимизга тикув машинаси ҳамда хомашё, чорвадорларимизга қўй ва қорамол сотиб олиши учун керакли маблағлар тақдим этилди. Шунингдек, 4 кишига тўрт ва икки сотихли иссиқхона қуриб бердик.

Куни кеча маҳалламизга яна 220 миллион сўм кредит лимити ажратилгани маълум қилинди. Бу маблағни 22 нафар фуқарога 10 миллион сўмдан тақсимлаб беришни мўлжал-ляямиз. Аҳоли вакиллари бу пул эвазига қўй сотиб олиб, ўзлари учун тақдим этилган ерларда қиш бўйи боқишни режалаштирган.

Жорий йилнинг 14 октябрь куни Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишидан кейин вилоят ҳокими ташаббус кўрсатиб, маҳалламиз инфратузилмасини яхшилаш учун 13 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳудудимиздаги Ойчулук тарихий гўшасида сайилгоҳ барпо этиш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилган. 86 сотих майдондан иборат масканда замонавий сўри ва ўриндиқлар қуриляпти. Бу келгусида зиёратчилар сонини янада кўпайишига хизмат қилишига ишонамиз.



Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ишсизликни бартараф этишда Дадашер Уринов ташкил этган ёғ ишлаб чиқариш заводи алоҳида аҳамият касб этади. 2019 йилда асос солинган корхонада айни вақтда 41 нафар фуқаро меҳнат қилиб, рўзгорига барака киритяпти.

Ишбилармон тадбиркор фақат битта йўналиш билан чекланиб қолгани йўқ. У ташкил этган фермер ҳўжалигида 100 бош қорамол боқилаётган бўлиб, кўпи соғин ситирлардан иборат. Бу ерда ҳам 4 киши доимий фаолият юритиб келяпти.

Маҳаллада шундай “ишнинг кўзини биладиган” кишиларнинг борлиги нақадар яхши. Уларнинг ҳомийлиги остида кам таъминланган оилаларга ёрдам бераямиз. Эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаямиз.

Мисол тариқасида Муборак Кўчқоровага кўрсатилган хизматларни келтириш мумкин. Аёлнинг 5 нафар фарзанди бўлиб, ўзи бола парвариши билан банд. Турмуш ўртоғининг кунлик ишлаб топаётган пули, рўзгорининг кам-кўстини бутлашга етмаётган эди. Оиланинг шароитини яхшилаш учун ҳомийлар уларнинг бир хонали уйининг ёнига яна битта хона қуриб беришди. Эракани ёғ ишлаб чиқариш заводида ишга жойлаштирдик. Аёлнинг соғлиғидаги муаммолар бартараф бўлгач, боғчада ошпаз сифатида банд қилмоқчимиз.

Ҳар бир хайрли иш ортида қанчадан-қанча инсоннинг тақдирини, кечмиши туради. Вазифамизга масъулият билан ёндашиб, уларнинг ҳаётига нур ва қувонч олиб кириш бизнинг бурчимиз.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

“Mahalla”га меҳрим бошқача”

Табиат қўйнида мутулаа билан машғул бўлишнинг гашти ўзгача. Қушларнинг ёқимли сайраши, дарахтларнинг шамолда шитир-шитир товуш чиқариши худдики бизга жўровоз бўлаётгандек туюлади. Бундай сокинлик, руҳнинг таскин олиши киши қалбида ёқимли ҳисларни уйғотади. Қолаверса, ўқиётган ҳар бир сатримизда олам-олам маъно ва билим мужассам.



Фахриддин ЎРМОНОВ,
Балиқчи туманидаги
“Гўравон” маҳалласи раиси.

Мен бироз бўш вақт топдим дегунча, шу тарзда мутулаага шўнғишни ёқтираман. Бадиий асарлар, илмий-оммабоп қўлланмалар ҳамда газета ва журналлар доимий ҳамроҳим. Улар маҳаллада тўлақонли фаолият юритишимда дастак бўлиб келяпти. Айниқса, тизим наشري ҳисобланган “Mahalla” газетасига меҳрим бошқача. Унинг ҳар бир саҳифасидан ҳар турли маълумотлар оламан. Саволларимга тўлиқ жавоб топаман. Бундан ташқари, ҳам-касбларимнинг амалда қўллаётган тажрибалари бизга ҳам янги мактаб бўляпти. Шу боис нашрга доимий равишда обуна бўлиб келяпимиз.



Интеллектуал мулк объектларига доир муҳофаза ҳужжатлари (гувоҳнома, патент) дубликати ТЎЛОВ АСОСИДА ОНЛАЙН ШАКЛДА берилади.



Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги ҚЎРИҚЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ этиб қайта ташкил этилди.



Банклар тизимида хавфсиз маълумот алмашинувини таъминлайдиган “ОЧИҚ БАНКИНГ” ТИЗИМИ жорий этилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЎРЧИ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИНТИЛГАН ВА БИР МАСЛАККА БИРЛАШГАНЛАР ЯНГИ ҲАЁТ ЗАВҚИ БИЛАН ЯШАЯПТИ

Шўрчи тумани бугун ўзгача қиёфа касб этиб борапти. Бу жараёнда нафақат худуд манзараси янгилашмоқда, балки аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллалардаги ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар учун янги имкониятлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда.

Акбарали НУРБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Шўрчи тумани бўлими бошлиғи.

Биргина худуднинг намунаи йиғинларидан бири — “Ободон” маҳалласида кечаётган ўзгаришларни олинг. Бу маҳалла бугун Янги Ўзбекистон қиёфасининг ёрқин ифодасига айланиб бормоқда. Ички йўлларнинг асфальтланиши, пиедалар йўлакларининг қурилиши, кўча чироқларининг ўрнатилиши — барчаси аҳолининг

кундалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатапти. Узоқ йиллик муаммолар, хусусан, ичимлик сув ва электр таъминотидаги камчиликлар бартараф этилди. Бугун бу янгилашлар самарасини ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла ҳис этмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш аҳоли турмуш даражасини оширмоқда. Мисол учун, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Шохжохон Жумаев умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш марказини барпо этиб, кўплаб маҳалладошларини ишли қилди.

“Кўклам” маҳалласида яшовчи Олим Мирзаев эса “IT”, таълим, логистика ва хизмат кўрсатиш йўналишларида янги марказ фаолиятини йўлга қўйди. “Ободон” маҳалласидаги банан етиштириш лойиҳаси туманининг энг инновацион ташаббусларидан бири бўлиб,



100 та иш ўрни яратиш ва йилга 550 тонна ҳосил олиш кўзда тутилган. Бу каби ташаббуслар ёшлар учун янги иш ўринлари ва замонавий касбларни ўзлаштириш имконини яратади, уларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда тумандаги барча маҳаллалар “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида комплекс ривожлантирилмоқда. Йўлларни асфальтлаш, велоёйулар барпо этиш, тунги ёритишни яхшилаш, коммунал тармоқларни

янгилаш ва янги ижтимоий ҳамда тадбиркорлик объектлари қуриш ишлари изчил давом этапти. Бу ислохотларнинг бош мақсади — аҳолини даромадли фаолиятга кенг жалб қилиш ва камбағалликни қисқартиришдир.



Хулоса қилиб айтганда, бугун Шўрчи туманининг ҳар бир маҳалласида янги ҳаёт, янги руҳ пайдо бўлмоқда. Йўллар ҳам, таълим ҳам, тадбиркорлик ҳам — ҳаммаси халқнинг ўзи билан, унинг меҳнати ва бирдамлиги билан ривожланыпти. Кўплаб маҳаллалар бу ўзгаришларнинг энг кўзга кўринган намунаси, туманининг ҳақиқий фахрига айланиб бормоқда.

ЎКСИК КЎНГИЛ ҚУВОНЧИ МАШАҚҚАТНИ АРИТАДИ...

Аввал ички ишлар тизимида профилактика инспектори сифатида ишлаш асносида маҳалла ҳаёти, унинг фаолияти билан таниш эдим. Бу менга раислик лавозимида катта тажриба бўлди. Шу тажрибанинг, айниқса, одамларга янги қарор ва тартибларни тушунтиришда, уларнинг ҳаётини осонлаштиришда фойдаси борлигини кўряпман.



Маҳалламиз кичик бўлса-да, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик соҳалари яхши ривожланган. Одамлар ўз имкониятлари ва меҳнати эвазига иш бошлашга интилади, шунинг натижасида нафақат оиласини боқади, балки маҳалламиз иқтисодий ҳаётига ҳам ҳисса қўшади.

Айни йўналишлардаги фаолият самараси ўлароқ, ишсизлик масаласи сезиларли даражада қайта қарилди: йил бошида ҳисобга олинган 40 нафар ишсиздан ҳозир фақат 1 нафари қолган, холос.

Маҳалла аҳолиси кўп миллатли — ўзбек, қозоқ, рус, татар каби миллат вакиллари бир оиладек яшайди. Нурунийларимиз ўз ҳаётий тажрибаси ва самимий маслаҳатлари билан ёрдам қўлини чўзадилар. Уларнинг эътибори туфайли биз баъзан кўзимиз илғаманган, аммо одамлар ҳаётида муҳим бўлган нарсаларни билиб турамыз: кимнинг уйи йўқ, кимнинг оиласида озик-овқат етишмайди...

Соҳибқирон Қўлмаматовнинг ногиронлиги бўлиб, бир нафар фарзанди билан яшайди. Кундалик ҳаёти оғир, кўп нарсани мустақил бажара олмайди. Ҳомийлик ва ҳашар йўли билан унга 3 хонали уй қуриб бердик. Энди Соҳибқирон ва унинг фарзанди хавотирсиз, тинч уйда яшаш имконига эга бўлди.

Шу йўл билан маҳалламизда ҳар бир оиланинг фаровонлиги, тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлашга интиламиш. Аҳоли билан бирга ишлаш, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш — бизнинг энг асосий мақсадимиз.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ЎРГАНГАН ОДАМГА МЕҲНАТ, БУ — ҲАЁТНИНГ ФАЛСАФАСИ!

Бир неча йилдан буён маҳалламиз аҳли боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Ҳар хонадонда ўз майдончаси бор, унда олма, бодом ва бошқа мевалар етиштирилади. Халқимиз ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш: кўпчилик бозордан харид қилишдан кўра, ўз қўли билан етиштиришни афзал билади.



Муҳаббат УМАРОВА,
Шўрчи туманидаги
“Зарбдор” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда булғор қалампири билан шуғулланиб келаётган Тоштемир Раҳимовнинг иссиқхонаси алоҳида диққатга сазовор. Унинг 6 сотихлик иссиқхонасида ранги ва таъми билан кўзни қувонтирувчи булғор қалампирлари ўсиб чиқади. Иссиқхонадаги ишларни, асосан, унинг турмуш ўртоғи бажаради. Булғор қалампирини нафақат мазали ва ранг-баранг, балки саломатлик учун ҳам фойдаланилади. Шу билан бирга, Мавлуда Исмоилова — маҳалла учун намуна. У ўз уйида анор, узум, ўрик, олма ва бошқа меваларни етиштириш билан шуғулланади. Ҳар бир дарахтга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, уларни парваришлайди. Мавлуда опа учун бу фақат деҳқончилик эмас, балки ҳаёт фалсафаси. У фарзандларини меҳнатга ўргатган. Қўшниларидан ҳам боғдорчиликка оид билимларини аямайди. Унинг ҳовлиси аллақачон маҳалла аҳли учун кичик деҳқончилик мактабига айланиб улгурган.

Маҳалламизда нафақат боғдорчилик, балки асаларичилик ҳам ривожланмоқда. Мингнора Жўраева бир неча йилдан буён оилавий тадбиркорлик асосида асаларичилик билан шуғулланади. Ҳозирда унинг 40 та асалари оилалари бор ва у шиғоббахш асал маҳсулотларини етиштирмоқда. Бу нафақат иқтисодий фойда, балки тиббий аҳамиятга ҳам эга. Мингнора опа ўқитувчилик билан шуғулланса-да, бўш вақтини асаларичиликка бағишлайди. Маҳалла фаоллари ҳам уни қўллаб-қувватлаб, 14 фойзли имтиёзли кредит ажратди. Унинг мақсади асаларичиликни янада ривожлантириб, 100 та оилагача кўпайтириш ва маҳаллалардаги хотин-қизларга ҳам билимларини ўргатишдир.



Шуни айтиб ўтмоқчиманки, маҳалламизда ҳар бир оиланинг меҳнатга бўлган муносабати ва ҳамжиҳатлиги ҳаётини сабоқ бўлиб хизмат қилади. Биз маҳалла раҳбарлари учун ҳам шу каби инсонлар фахрли намуна. Улар меҳнат ва садоқат билан нафақат ўз оиласи, балки бутун маҳалла учун илҳом манбаи ҳисобланади.



Феруза ЖУМАЕВА,
Шўрчи туманидаги
“Хурлик” маҳалласи раиси:

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” — амалий ёрдамчим

— Ҳар куни одамлар дардини эшитиб, уларга тўғри йўл кўрсатиш — маҳалла раиси сифатида менинг энг катта масъулиятим. Бу йўлда “Mahalla” газетаси менга ишончли таянч ва ҳамқордир. Газета саҳифаларини варақлаганимда керакли маълумотлар, амалда қўллаш мумкин бўлган тавсиялар ва ҳаётий мисолларни топаман.

Яқинда ёшлар бандлиги борасида бир оилада тушунмовчилик юзага келди, газетани чоп этилган мута-

хассис фикри эса бу масалани оидинлик киритди ва оиланинг ҳам, менинг ҳам ишим анча енгиллашди.

Маҳалламизда соғлом муҳитни шакллантириш, тарбия, яшаш маданиятини ошириш — бизнинг асосий вазифамиз. Бу йўналишда ҳам “Mahalla” амалий ёрдамчимизга айланган. Ундаги мақолалар, ҳаётий мисоллар, тақриф ва тавсиялар қўлимизда тайёр режадек хизмат қилади. Шу боис мен ҳар йили севимли наشريмга обуна бўламан.



Электрон сигареталарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, ишлаб чиқариш беш йилгача ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ билан жазоланади.



Вазирликлар ходимларининг СОЛИҚ ҚАРЗИ ҲАҚИДАГИ маълумотлар ҳар уч ойда эълон қилиб борилади.



ИСИТИШ МАВСУМИДА ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга 1,2 триллион сўм йўналтирилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЕШАРИҚ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Кафтдек жойдан катта даромад топишда тенгсиз тажриба тўпланган

●●●●● ИБРАТ

“АНДАРХОН” ДА ШАМОЛДАН ПУЛ ИШЛАШАДИ...

Маҳалла аҳли азалдан мазаси тилёрар қовун етиштириш, сақлаш билан машхур. Кўпчилик бу ерни “қовунчилар маҳалласи” дейди. Одамлар аини кунларда ҳам ота-боболардан мерос — деҳқончилик юмушини меҳр билан давом эттирмоқда. Соҳа кейинги пайтда ҳаётий тажриба, илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар асосида ривожлантирилиб, ютуқлар салмоғи ошиб бормоқда.



Пўлатжон ШЕРМАТОВ, Бешариқ туманидаги “Андархон” маҳалласи раиси.

Андархонликлар қовунни интенсив усулда етиштириб, бир йил мобайнида табиий тарзда сақлаш бўйича катта тажрибага эга. Қувонарлиси, ўтган йилдан бошлаб, “Андархон қовуни”ни кенг тарғиб этиш мақсадида “Қовун сайли” ўтказиш йўлга қўйилди. Бу билан туризмни ривожлантириш, халқ анъаналарини тиклаш ва деҳқончилик маданиятини тарғиб этишга эришилмоқда. Тадбирларда вилоятнинг турли ҳудудлари, қўшни Тожикистондан ҳам меҳмонлар иштирок этмоқда.

Маҳаллада 5 850 нафар аҳоли истикомат қилади. Қовун етиштириш ва сақлаш “драйвер” соҳа бўлиб, аҳолининг аксарияти ушбу юмуш билан шуғулланади. Ҳар икки хонадоннинг бирида табиий усулда қовун сақлаш омбори бор. Уларда “Гулоби”, “Бўри-калла”, “Қирқма”, “Кўкча” каби бир неча навдаги қовунлар сақланади.



Бу жараёнда қишлоқ ҳудудининг географик жойлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга. Боиси маҳалла Қўқон шамоли йўлида жойлашган. Аини шу шамоил қовунларни яхши ва сифатли сақлашга ёрдам беради. Кузда узиб олинган сақлаш жойларидаги қовунлар, ҳатто, кейинги йилнинг май ойигача сифатини йўқотмайди.



Йўлдошхўжа Воҳидовга қовунчилик — ота мерос. Эрта баҳорда ўғилларини ёнига олиб, Жиззах вилоятига отланади. Сабаби тилёрар қовун етиштиришда бу вилоят тупроғи жуда унумдор. Сентябрь ойида ҳосилни йиғиб, яна қишлоққа қайтади. 2 гектар ердан 12 тонна маҳсулот олиб, кейинги йилнинг май ойигача сақлайди. Даромад 500-600 миллион сўмни ташкил этади. Ғувоҳ бўлганингиздек, одамларимиз табиий иқлим шароитини ҳисобга олиб, қовун сақлашнинг ҳадисини олган. Худудда ишсизлик, камбағаллик, деган муаммо йўқ. Сентябрь-октябрь ойида аксарият хотин-қизлар қовун боғлаш билан шуғулланади. Ойлик даромад — 10-12 миллион сўмни ташкил этади. Шунинг учун ён-атрофдаги маҳалла аҳолиси андархонликлар шамоилдан пул ишлайди, дейишади.

Сўнгги йилларда қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош Бешариқ тумани улкан ислохотлар, ўзгаришлар марказига айланиб бормоқда. Қайси маҳаллага борманг, бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларига ғувоҳ бўласиз.

Давронбек ЎРИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бешариқ тумани бўлими бошлиғи.

Адиқобод тепалик-ларида жойлашган “Ворух дашт” маҳалласида яқингача муаммоларнинг саноғи йўқ эди. Қисқа фурсатда замонавий турар жой бинолари қад ростлади, сўғориш тизими янгиланди. Ўндан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Катта Фарғона каналидан 4 км. масофада оқова сув тармоғи тортиб келинди. Бу билан 348 та хонадон томорқадан самарали фойдаланиб, 20 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришмоқда.

Азалдан ворухликлар боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Гарчи меваларни хонадонда қуриб-да, сотувга қийналарди. Эндиликда бу ишлар “Турс агро” корхонасида бажарилимоқда. Аҳолидан йиғиб олинган маҳсулот қайта ишланиб, қадокланган ҳолатда хорижга экспорт қилинмоқда. Бу ерда 200 нафардан зиёд хотин-қиз, 50 нафар ёш иш билан таъминланиди. “Фарғона ясин” корхонасида хитойлик

инвесторлар билан ҳамкорликда янги лойиҳа амалга оширилиши натижасида 500 та иш ўрни яратилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳоли жуда миришкор, кичик жойдан катта даромад олиш, янгиликларни жорий этишга уста. Шу боис “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида оилалар даромадини ошириш, фаровонлигини таъминлашда деҳқончилик ва унга ёндош соҳалар ривожланмоқда. Оқова сув тақчил бўлгани учун иссиқхонада томчилатиб сўғориш тажрибаси кенг қўлланилмоқда.



“Адолат” маҳалласида яшовчи Деҳқоновлар хонадони бу йўналишда кўпларга ибрат ва намуна. 7 сотих майдонда иссиқхона ташкил этилиб, қўчатчилик йўлга қўйилган. Бу орқали оила аъзоларидан ташқари, маҳалладаги 10 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.



Шу маҳаллада яшовчи Рус-тамжон Узоқов хонадониде асалари парваришлаш билан бирга, меваларни қуриб, қадоклашни йўлга қўйган. Бу ерда маҳалланинг 10 нафар аёли иш билан банд. Бўлғор қалампири экиб, ўндан томат пастаси тайёрлаш ва маҳсулотни экспорт қилиш ҳам яхши даромад келтирмоқда. “Юқори товул” маҳалласида яшовчи Отабек Камолов чорва гўнғидан махсус чувалчанглар ёрдамида органик ўғит ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тайёр биоғузмуснинг харидори кўп.

“Бешариқ” маҳалласида яшовчи Бекмурод Жўраевнинг 5 сотихли иссиқхонаси бор. Оқова сув муаммо бўлгани учун томорқачи томчила-



тиб сўғориш тизимини йўлга қўйган. Йилига 2-3 марта ҳосил олиб, оила бюджетини бойитмоқда.

Аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, қолаверса, “маҳалла еттилиги” иш унумдорлигини ошириш мақсадида туман марказидан 10 км. олида жойлашган “Абдураззок ота” йиғини ходимлари учун янги бино қурилди. Энди-

ликда бу бинода мурожаатлар, бандлик ва ижтимоий ёрдам масалалари билан ишлаш, маънавий-маърифий ва профилактик учрашувлар ўтказиб бориш учун барча қулайлик яратилди. Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ҳудуддаги 11-оилавий поликлиника янги бинода иш бошлади. Бунинг учун бюджетдан 1,5 миллиард сўм маблағ жалб этилиб, шифо маскани энг сўнгги русумдаги физиотерапия ва УЗИ жиҳозлари билан таъминланди. 10 ўринли кундузги стационар ҳамда шифокорлар кўриги учун алоҳида хоналар ташкил этилди. “Ифтихор” маҳалласида ҳам давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий бино қад ростлади.

Хунари туфайли ҳурмат ва эъзоз топи



Халқимизда “Хунар — хунардан ризқинг унар” деган мақол бор. Дарҳақиқат, хунар инсонни улуғлайди. Уни одамлар орасида ҳурматини оширади.

Мафтуна МАМАСИДДИКОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.

Бешариқ туманидаги “Қорақўли” маҳалласида яшовчи Рисолат Абдушукурова

35 йилдан бери тўқувчилик билан шуғулланиб келади. У бу хунарни бахти, деб билади. Чунки шу хунар ортидан оила фаровон турмуш кечирмоқда. Маҳалла раиси ва “еттилик” кўмағида энди аёл иш берувчи тадбиркорга айланди. Унга маҳалла ходимлари имтиёзли кредит олиб, ишингизни кенгайтиринг,



Ҳаёт бир текисда давом этмайди. Бу қоида Рисолат Абдушукурованинг ҳам четлаб ўтмади. Келинлик давридаёқ, оғир синовларга дуч келди. Аммо шу қийинчилик ҳамда машаққатни хунари орқали енгиб ўтди. Фақат бугунгидек, шароит ва имконият бўлмагани учун топгани рўзгордан ортмасди. Битта тўқув дастгоҳида тайёрланган маҳсулотларни бозорга олиб чиқибот сатарди.

деганда ишонмади. Сабаби, аввал кредит сўраб, кўп мурожаат қилган. Аммо натижа бўлмаган. Ниҳоят, маҳалла масъулларининг саъй-ҳаракати билан 50 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга битта тўқув, учта тикув машинаси сотиб олди. Алоҳида хонада иш бошлади. Ўзидан ташқари, яна 4 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Даромади 5-6 баробарга кўпайди. Биргина Рисолат Абдушукурова тақдири мисолида бугунги ислохотлар манзарасини кўриш мумкин. У билан суҳбатлашсангиз, “Маҳалла кўмағида иш сўровчидан иш берувчига айландим”, дейди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

●●●●● “МЕН ОБУНА БўЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАНАЛЛА” ЁНИМДА БўЛСА, КўНГЛИМ ХОТИРЖАМ БўЛАДИ



Умида КИМЁНАЗАРОВА, Бешариқ туманидаги “Қорақўли” маҳалласи раиси:

— Бугун ҳар бир соҳада ходимлардан ўз устида ишлаш, мунтазам изланиш талаб этилади. Айниқса, “маҳалла еттилиги” вакиллари аҳоли билан ишлаш жараёнида кенг дунёқараш, билимга эга бўлишлари

шарт. Бу жараёнда бизга соҳа нашрлари “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали яқин кўмакчи ҳисобланади. Шу боис фаолиятим давомида ҳар икки нашрни қўлдан қўймайман. Чунки унда доим ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топаман. Қолаверса, мутлолаа жараёнида раҳбар сифатида ўз устимда ишлайман.

Мен учун газета энг тўғри ва ҳолис ахборот манбаидир. Шу сабабли бирор янгилик эшитсам, дарров “Mahalla”ни варақлайман, хабарни текшириб оламан. Агар иш столимда “Mahalla” газетаси бўлмаса, кўнглим тўймайди. Энди келгуси йилда ҳам мунтазам ўқиб бораман. Чунки нашрга 2026 йил учун обуна бўлдим.



Ўзбекистонда
тадбиркорлар учун
барча давлат ва хусусий
хизматларни бир жойга
жамлайдиган
“БИЗНЕС ҲАМРОҲ”
МАРКАЗЛАРИ очилади.



3D-дизайн, инди-ўйинлар
яратиш ва дастурлаш
бўйича видеодарсларни
ўз ичига олган
“CYBER QIZ” БЕПУЛ
ОНЛАЙН ТАЪЛИМ
ПЛАТФОРМАСИ
ишга тушди.



1 декабрдан никоҳни
расмийлаштиришда
ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМА
КЎРСАТИШ талаби
бекор қилинди.

Mahalla

№97

| 2025 йил 3 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

7

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
КОСОН
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЮТУҚЛАР ТАСОДИФ ЭМАС, ПУХТА ЎЙЛАНГАН РЕЖА ВА ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизнинг барча
худудларида бўлгани
каби Косон туманида
ҳам кенг кўламли
ислохотлар амалга
ошириляпти. Нафақат
туман маркази, балки
энг олис қишлоқлар
ҳам замонавий қиёфа
касб этипти. Одамларни
йиллар давомида ўйлан-
тириб келган ишсизлик,
йўл, ичимлик сув, электр
энергияси билан боғлиқ
масалалар босқичма-
босқич ҳал этиляпти.
Маҳаллаларнинг янги
“ўсиш нуқталари”
аниқланиб, аҳоли
даромад манбаига
эга бўляпти.

Убайдулла ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Косон тумани бўлими
бошлиғи.

Б у ютуқлар тасодифан
эмас. Охирги йилларда
туманда бўлаётган ижо-
бий ўзгаришлар туфайли
тадбиркорлик кенг ривожлан-
япти, янги корхоналар қад рост-
лаб, минг-минглаб иш ўринлари
яратилляпти. Биргина “Қашқадарё
Жингу” корхонасини олайлик.
Пахтани қайта ишлайдиган ушбу
заводнинг иш бошлаши билан
400 киши ишли бўляпти. Бу ерда
йилга 100 минг тонна пахта
қайта ишланади.



“Янгиобод” маҳалласидан ўтувчи
Кўҳна қалъа кўчасини 24/7 тартибда
ишлайдиган кўчага айлантирдик. Бунинг
учун зарур инфратузилмалар яратилляпти.



Йиғинларда “Маҳалла сервис
компанияси” ташкил этилгач, фуқа-
роларнинг кўплаб юмушлари тез
ва осон битаяпти. Шу боис “Ўлбоғ”
маҳалласида ҳам “Маҳалла сервис
компанияси” фаолияти йўлга
қўйилди. Компанияда қурилиш,
таъмирлаш ишлари, ерни шудгор
қилиш, пайвандлаш, сувоқ қилиш,
электр созлаш, сантехник, боғ-
бончилик каби 23 турдаги хизмат
кўрсатиш тизими мавжуд. Кувонар-
лиси, маҳалла аҳолиси бу хизмат-
лардан доимий фойдаланишлари
мумкин.

Туманда яшиллик майдонлари-
ни кўпайтиришга алоҳида эътибор
қаратяпмиз. Яқинда “Яшил макон”
умуммиллий лойиҳаси доирасида
вилоят ҳокими бошчилигида барча
туман ва шаҳарлар ҳокимлари
биргаликда “Қашқадарё ҳоким-
ларининг яшил боғи”ни ташкил
этдик. Бу каби яшил боғларни
кўпайтириш атроф-муҳитни асраш,
инсонлар саломатлиги ва ҳаво
сифатининг яхши бўлишига хизмат
қилади. Шунингдек, “Обод хона-
дон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳал-
ла” танлови доирасида “Пудина”
маҳалласида бўш турган 50 сотих
майдонга турли хил мевали ва
манзарали дарахтлар экилиб,
маҳалла боғи ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, барча
соҳаларда катта ўзгаришлар амал-
га ошириляпти. Бу борада “маҳалла
еттилиги”нинг ташаббускорлиги
муҳим аҳамият касб этипти.



Яна бир мисол, “Пахтазор”
маҳалласида яшовчи тадбиркор
Аббос Раҳмонов турли хил бош
кийимлари ишлаб чиқарувчи
корхона ташкил этиб, 40 нафар
ишсиз аёлнинг бандлигини
таъминлади. Маҳсулотлари
маҳаллий ҳамда қўшни вилоятлар
бозорларига етказиб берилляпти.
Жорий йил фаолиятини кенгай-
тириб, яна 20 та иш ўрни яратди.

Маҳаллаларда янги иш
ўринлари яратиш билан бир-
га, аҳолининг турмуш тарзини
яхшилашга ҳам алоҳида эъти-
бор қаратиляпти. Масалан, ту-
ман марказида “Ёшлар хиёбони”
барпо этилди. Ушбу мажмуанинг
фойдаланишга топширилиши
туман аҳли, айниқса, ёшларга
бир олам кувонч улашди. Ёшлар
хиёбонида дам олувчилар учун
барча зарур шарт-шароитлар
яратилган.

ЖАРАЁН

Ҳар бир хонадоннинг мўъжазгина боғи бор

Алишер Махмараҳимов бун-
дан тўрт йил олдин “Ҳар бир
ёшга бир гектар” лойиҳаси
асосида лалми майдонлардан
бир гектар ер олиб, 412 дона
турли хил мевали дарахт
кўчатлари эккан эди.
Бугун улар ҳосилга кирди.

А лisher боғдаги сархил мева-
лардан ташқари, қатор ора-
ларига тарвуз, сабзи, шолғом,
саримсоқпиез каби сабзавот ва полиз
экинлари экиб, йилига 35-40 миллион
сўм қўшимча даромад оляпти.
Маҳаллада Алишер сингари
қирққа яқин ёшлар ана шундай боғ
яратиб, доимий даромад манбаига эга
бўлди. Жорий йил яна 5 нафар ёшга
бир гектаргача ер ажратиб берилди.
Масалан, Ситора Бекнаева, Бобур
Ғуломов, Севинч Бекнаева каби ёшлар



Боғбон —
Шодиёр
Султонов эса
турли хил
мевали дарахт
кўчатлари
етиштириб,
17 гектар
мевали
боғ ташкил
қилган.

ғалладан бўшаган уч гектар ерга сабзи
экиб, гектаридан 45-50 тоннадан
ҳосил олиб, оиласи даромадига ҳисса
қўшяпти.

Ҳозирда аҳолининг 40 фоизи
деҳқончилик ишлари билан машғул.

Аксарияти ғалладан бўшаган ерларга
сабзи экиб, ҳар бир гектардан 30 тон-
нагача, шолғомдан эса 25 тоннагача
ҳосил оляпти. Ҳар бир хонадоннинг
мўъжазгина боғи бор.

Ўтган йил хонадонларга минг туп
бодом кўчати тарқатгандик. 11 сотих-
да маҳалла боғини ташкил этганимиз.
Шундан икки сотихи ҳосилга кирган.

Йиғинда чорвадорлар кўп. Аҳоли-
нинг аксарият қисми ўз хонадониди
қўй ва бука боқиб, бурдоқчилик билан
шуғулланияпти.

Бугун маҳалланинг қурби етмай-
диган ишнинг ўзи йўқ. Ҳар бир масала
маҳалланинг ўзида ҳал қилиняпти.
Ҳоким ёрдамчиси кўмагида ажрати-
лаётган имтиёзли кредитлар асосида
навбатдаги “драйвер” — тадбиркорлик
субъекти ривожланияпти. Айни пайтда
ўттиздан ортиқ тадбиркорлар қурилиш
материаллари ишлаб чиқиш, автотранс-
портларни ювиш, эшик-дараза ясаш,
тахталарга ишлов бериш, гўзаллик
салонлари каби турли тармоқларда фа-
олият юряпти. Эътиборлиси, ҳар бир
байрамда сазоватпеша тадбиркорлар
ҳомийлигида юздан ортиқ хонадонлар-
дан хабар олиниб, уларга зарур ёрдам-
лар кўрсатиш аъёнаси йўлга қўйилган.

Мамадамин СУЛТОНОВ,
Косон туманидаги
“Тошкўприк” маҳалласи раиси.

Эътиборлиси, маҳалламизда
бундай дарахт кўчатларини фақат
куз ёки баҳор ойида эмас, балки йил
давомида топишгиниз мумкин. Ана
шундай тажрибали кўчатчилардан
бири — Ҳомид Авазовдир. Ҳозир
унинг хонадониди 15 минг туп арча
кўчати тайёр.

Бундан ташқари, маҳалла аҳли насли
чорва молларини кўпайтириш билан машғул.
Айни пайтда 300 та хонадон эгаси 50 тагача
қўй, қолганлари эса тўрттагача соғин сигир
боқияпти. Шу тарика аҳолини сифатли гўшт
ва сут маҳсулотлари билан таъминляпти.
Даромадидан рўзгорини обод қилиб, маҳалла
бунёдкорлигига муносиб ҳисса қўшяпти.

Мисол учун, фуқароларнинг ҳомийлигида
3 километр тупрок йўллар шағаллаштирилиб,
4 километр ариқлар бетонлаштирилди. 9 та
артезиан кудуги қазилиб, томирқаларнинг
80 фоизи оқова сув билан таъминланди. Шу-
нингдек, “Ташаббусли бюджет” ва дастурлар
ижроси доирасида 20 километр ички кўчалар
асфальтланиб, 3 километр пиёдалар йўли
ташкил этилди. 100 та бетон устун алмашти-
рилиб, 4 та трансформатор қўйилди.

Элбек БОБОЁРОВ,
Косон туманидаги “Шербек” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

“ЭСАБОЙ” ЛИКЛАР САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗНИ БОЗОРДАН СОТИБ ОЛМАЙДИ

Бугун ишлайман, деган одамга имконият кенг. Шунга муносиб
шароит ва имтиёзлар ҳам бор. Бундан самарали фойдаланиб,
маҳаллани сабзичиликка ихтисослаштирдик. Ҳозирда 610 та
хонадоннинг 95 фоизи “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили
асосида сабзи етиштириш билан шуғулланади.

У лар ўз томорқасидан ташқари,
ғалладан бўшаган майдонларга
ҳам ижара асосида сабзи эки-
шади. Умумий ҳисоб-китобларга
қарайдиган бўлсак, деҳқонларимиз
йилга икки минг гектар ер майдонга
сабзи экиб, 80 минг тонна ҳосил оли-
шади. Шундан 30 минг тоннаси Россия,
Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон-
га экспорт қилинса, 50 минг тоннаси
маҳаллий бозорларга чиқарилади. Ҳозир
Афғонистон билан шартнома қилипмиз.
Даромад яхши. Масалан, Дўстму-
род Худойкулов, Асомиддин Равшанов,

Раҳим Йўлдошев сингари илғор сабзичи-
лар йилига 450-500 миллион сўм фойда
қилияпти. Сабзини қиш ва баҳор ойлари-
да сифатли сақлаб, бозорларга етказиш
учун 58 та 250-300 тонналик совут-
кичлар қурилган. Шунингдек, сабзини
тозалаш учун 24 та ювиш ва қадоқлаш
шоҳобчалари ташкил этилган. Уларнинг
ҳар бирида 80 нафар ёш доимий иш
билан банд.

Эсабойликлар бирор сабзавот ва
полиз маҳсулотларини бозордан сотиб
олмайди, барчасини ўз томорқасида
етиштиради.



Маҳаллада ишсиз
одамнинг ўзи йўқ.
Аксинча, қўшни
туманлардан,
асосан, Касби ту-
манидан қўшимча
ишчилар оляпмиз.
Кувонарлиси, йўл,
электр энергия,
газ, ичимлик сув-
дан муаммо йўқ.
Спорт майдони,
кутубхона ёшлар
ихтиёрида.

Бугун одамларнинг дунё-
қараши ўзгарди. Топаётган
даромадини ўтқинчи ҳою ха-
васларга эмас, балки ўзининг,
оиласининг, фарзандларининг
келажаги учун сарфляпти.
Биргина тўйни олайлик, их-
чам, ортиқча харажатларсиз
— 200-250 кишини қақариб
ўтказаяпти. Натижада 40-50
миллион сўм тежаб қолин-
япти. Жорий йилги мактаб
битирувчиларининг 80 фои-
зи олий таълим муассасаларга
ўқишга киргани ҳам ота-она-
ларнинг фарзанди таълими
учун киритаётган инвестиция
натижасидир.

Нурилла ОДИРОВ,
Косон туманидаги
“Эсабой” маҳалласи раиси.



Наманганнинг
“Навбахор” футбол клуби
ТЕМУР КАПАДЗЕНИ
янги бош мураббий
сифатида эълон қилди.



ГУЛШАН АЛИМАРДОНОВА
Ўзбекистон тарихида
каратэ бўйича
жаҳон чемпиони
бўлган илк аёл
спортчи бўлди.



САМВЕЛ БАБАЯН
футбол бўйича
“Андижон” клуби
бош мураббийи сифатида
иш бошлади.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Илҳом ҲАКИМОВ.
Сурхондарё вилояти:

— Ота-она ва фарзанд ўртасида пул олди-бердиси қандай амалга оширилади? Қайси ҳолатларда маблағ зиммасидаги вазифани адо этиш учун сарфланган ҳисобланади?

ОТА ВА ФАРЗАНД ЎРТАСИДА ҚАРЗДОРЛИК БЎЛАДИМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази:

— Исломда ҳар бир кишининг мулки алоҳида-алоҳида эътиборга олинади. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги қарз олди-бердилар бегона кишилар ўртасидаги каби амалга оширилади. Боланинг балоғатга етгунча бўлган нафақаси ва балоғатга етганидан сўнг ота-онасига берадиган нафақаси бундан мустасно. Яъни, бу сарфланган маблағлар қарз ҳисобланмайди.

Сабаби, фарзанд балоғатга етгунча ота уларнинг еб-ичиши, кийиниши, даволаниши ва бошпанга бўлган эҳтиёжини таъминлаши зиммасидаги вожиб бўлган ишлардан. Худди шундай фарзанд ҳам балоғатга етганидан сўнг ота-онасини зарурий эҳтиёжлари бўлган еб-ичиш, кийиниш, даволаниш ва бошпанга бўлган эҳтиёжини таъминлаши зиммасидаги вожиб бўлган бурчи, бундан ортиқчаси фазл ва меҳрибончиликдир.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.



Соғлом турмуш
кечиришнинг усуллари
жуда кўп. Фақатгина
озгина ҳафсала ва
иштиёқ бўлса бас.
Мисол тариқасида
зинадан чиқиб-
тушишни келтириш
мумкин.



ЗИНАМА-ЗИНА КЎТАРИЛИБ, САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАНГ!

Жасур УМАРОВ,
шифокор.

Бу ҳаракат умумий жисмоний ҳолат учун жуда фойдали. Юқорига кўтарилиш, биринчи навбатда, оёқ мушакларини чиниктиради. Қолаверса, бир соатлик машғулот 500-600 килокалориягача қувват сарфланишига ёрдам беради. Текис юзада юрганда мазкур кўрсаткич 100-200 килокалорияни ташкил этади.

Зинадан юриш юрак ва қон томирларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, юрак уриш тезлиги ортада ҳамда танада қон айланишини яхшиланади. Юзага келиши мумкин бўлган бир қанча касалликлар хавфини камайтиради.

Кундалик юқори ва пастга ҳаракатланиш тананинг умумий мувозанатини мувофиқлаштиради. Баъзи сурункали касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Хусусан,

диабет, юрак-қон томир касалликлари, остеопороз ва бошқалар учун профилактика чораси бўлиши мумкин. Шикастланмаслик учун юкламани аста-секин ошириш тавсия этилади. Зинадан чиқиб-тушишнинг кунлик меъерини белгилашда ёш, умумий



Самарали натижага эришиш
учун мунтазам равишда зинага
чиқиш ва тушиш машғулотнинг
давомийлигини сақлаш ҳамда
аста-секин ошириш муҳим.

саломатлик ва машғулотдан кўзланган мақсад инobatта олиниши керак. Канада илм-фан наشريёти бундай машғулотлар, ҳатто ҳаракатсиз турмуш кечираётган кишилар учун ҳам кийинчилик туғдирмаслигини таъкидлашган. Албатта, бу кўп ҳаракат қилмасдан, кун тартибига фаолликни қўйишнинг ажойиб усули.

Зинада мунтазам ва тез-тез юриш вазини камайтириш ҳамда қоматни чиройли сақлашга ёрдам

беради. Юқорига бемалол ва осон кўтарилиш учун қўлларни фаолроқ ишлатиш тавсия этилади. Тирсаклар букилиб, улар тана бўйлаб динамик ҳаракатланиши керак. Бу ҳолат тезликни сақлаб қолиш ва тана ҳолатини назорат қилиш имконини беради.

Шунингдек, бир текис нафас олиш ҳам зарчаб қолмасликка ёрдам беради. “Маҳалла еттилиги” ходимлари аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб қилишда шу каби оддий, барча бирдек бажариш имконига эга бўлган машғулотларга жалб қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Энг муҳими, бу ҳаракатларни йўл-йўлақай, ортиқча вақт ва сарф-харажатларсиз амалга ошириш мумкин.

Консерванинг қўлболаси — умрнинг кушандаси

Қиш фаслида кўпчилик уй шароитида тайёрланган консерваланган маҳсулотларни истеъмол қилишни маъқул кўради. Бироқ бундай озиқ-овқатлардан заҳарланиш эҳтимоли юқори.



Анвар ШУКУРОВ,
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги қўмитаси
бўлим бошлиғи.

Аксарият хонадон бекалари ёз ва куз фасларида мева-сабзавотлардан консервалар тайёрлаб, қишга ғамлаб қўяди. Бироқ уй шароитида етарли босимда термик ишлов бериш имконияти мавжуд эмаслиги боис ботулизм кўзгатувчи споралар сақланиб қолади ва улар анаэроб, яъни кислородсиз муҳитда ривожланиб, ўта кучли — ботулинотоксин заҳрини ҳосил қилади.

Ботулизм кўзгатувчилари ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, 100°C даражада 6 соат, 120°C да эса 10 дақиқагача тирик бўлади.



Хасталикнинг яширин
даври 2-4 соатдан
14 кунгача давом
етиши мумкин.
Ботулизм микробининг
токсини, асосан, марказий
асаб тизимига таъсир
этади ва танада турли
ўзгаришларга олиб келади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Бу ҳолатда нафас олиш қийинлашиши, оғиз ва томоқнинг қуриши, қорин соҳасида оғриқ, жисмлар кўзга иккита бўлиб кўриниши, кўз қовоқлари осилиб қолиши, ютиниш қийинлашиши ва гапириш қобилияти пасайиши мумкин. Шунингдек, умумий ҳолсизлик ва заифлик каби белгилар намоён бўлади.

Агар бу ҳолатда хаста инсонга зудлик билан тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса ва зарур даво муолажалари ўтказилмаса, унинг нафқат соғлиғи, балки ҳаёти ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Шу сабабли ботулизмнинг олдини олишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:


- уй шароитида консерваларни тайёрламаслик;
- бозор ва аҳоли гавжум жойларда сотилаётган, номаълум шароитда тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерваларни харид қилмаслик;
- идиш қопқоғи кўтаришдан, шунингдек, ранидида ўзгариш бўлган консерваларни истеъмол қилмаслик;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитларига эътибор бериш, савдо дўконларидан консерваларни харид қилишда унинг мuddати, идишларнинг бутунлиги, қопқоғлари шишма-манлиги ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатларига эътибор бериш;
- таом тайёрлашда тозаликка ва шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этиш зарур.

Шу ўринда “маҳалла еттилиги” ходимларига аҳоли соғлиғини сақлашдаги эътибордан четда қолиб кетаётган шундай масалаларга янада диққатлироқ бўлишни тавсия қилган бўлар эдик. Айниқса, хонадонма-хонадон юрган вақтда қўлбола консерваларнинг зарари ҳақида батафсилроқ маълумот бериш жуда муҳим ва керак. Маҳалла ходимлари, буни ён дафтарингизнинг биринчи саҳифасига қайд этиб қўйишни унутманг!



Газета саҳифаларидаги барча
мақолалар матнни мусахҳиҳ
Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Терини совуқдан қандай ҳимоялаш мумкин?



Қишда
хароратнинг
кескин ўзгариши
ва паст намлик
тери ҳолатига
салбий таъсир
кўрсатади. Унинг
олдини олиш
учун оддий,
аммо самарали
қоидаларга риоя
қилиш зарур.

НАМЛАНТИРИШНИ УНУТМАНГ
Қишда териға фақат озуқа моддаларига эга бўлган малҳамлар керак, деган нотўғри тушунча кенг тарқалган. Шу билан бирга, уни намлантирувчи воситалардан ҳам фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда унинг таркибидаги моддалар жуда муҳим. Хусусан, гиалурон кислота ҳамда глицериннинг қўйдаси катта. Кўчага чиқишдан олдин ҳимояловчи суртмалардан фойдаланиш керак. Бу териди кўринмас қатламни юзага келтириб, совуқнинг таъжовузкор таъсирини юмшатади. Лаблар ҳақида ҳам унутманг, табиий ёғ ва балзам унинг ёрилишига йўл қўймайди.

**ОДДИЙ, ЛЕКИН
МУҲИМ ҚОИДАЛАР**
Терининг соғлом ва жозибadorлигини сақлашда суе ичши катта аҳамият касб этади. Тананинг сувсизланиши дарҳол унинг ҳолатига салбий таъсир қилади. Хона ҳавосини юмшатиш учун махсус намловчи ускуналар ёки печь устига ҳўл сочиқ ёйиб қўйиш мумкин. Бу уй ва ишхонада қулай микроклимни сақлашга ёрдам беради. Кўёшдан ҳимояловчи воситалар доимий ҳамроҳингизга айлансин. Уни йилнинг барча фаслида мунтазам

ишлатиш ўз самарасини кўрсатиши аниқ. Соғлом ва гўзал бўлиш учун тўғри овқатланишга алоҳида эътибор қаратинг. Таркиби Omega-3 моддасига бой маҳсулотлар(ёғли балик, ёнғоқ ва авокадо)ни доимий таомномангизга киритинг. Улар терини ичкаридан эгилувчан ва нам сақлашга ёрдам беради.

Феруза МИРОДИЛОВА,
Тошкент давлат
тиббиёт университети
Дерматовенерология ва
косметология кафедраси
доценти.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
ушмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатида ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 185 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1220

